

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Д.Усмонов Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи	6
А.Ғойипов Бир номаълумли модулли тенгламаларни ечишнинг бир усули ҳақида	18

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров Автомобиль чиқинди газларини каталитик тозалаш	25
Ғ.Мадраҳимов, М.Ҳожиматов, И.Асқаров 1-(2-карбокисфенил)-1'-п-метил оксиферроценил тиюамид синтези ва унинг биостимуляторлик хоссалари	31
Ш.Каримов, Н.Хабибуллаева, А.Хаитбаев <i>Leptinotarsa decemlineata</i> (Say) таркибидан хитозан ажратиш олиш	36
И.Асқаров, Ф.Абдугаппаров, М.Хожиматов Амигдалиннинг кимёвий хоссалари ва инсон саломатлигига таъсири	42
А.Йўлчиев, К.Джамолов, И.Асқаров, М.Мўминов Мувозанатлаштирилган гранулаланган омихта ем таркибини бойитиш	49
Х.Исмоилов, О.Саримсоқов, С.Хайдаров Пахта пневмотранспорти учун материал ўтказгич конструкциясини ишлаб чиқиш	53
У.Мараимова, И.Жалолов, Г.Бегматова, С.Арипова Ўзбекистонда ўсадиган <i>goetmeria hybrida</i> даги кимёвий элементларнинг микдорий таркибини аниқлаш	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

Г.Халматжанова, А.Ғофуров Кластер тизими ривожда сув ресурслари салоҳиятини ошириш	62
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.Сиддиқов Ўрта асрлар ислом гносеологияси ва теологиясининг ўзаро синтезлашуви	68
---	----

ТАРИХ

М.Исамиддинов Қадимги Марғиёна ва Бақтрия ҳудудидаги яз-II археологик комплексларини даврлаштириш масалалари	75
И.Мамадалиев, Тим Брэгер Ўрта Осиё Россия империяси таркибида	79
Р.Арслонзода Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиши	85
А.Йўлдашев XX асрнинг 20-йилларида европада таълим олган ўзбек қизи	90
Д.Абдуллаев XX асрда Ўзбекистон аҳолиси тақдирланишининг архив манбаларида акс эттирилиши	95
Н.Рахматова Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда каштачилик ва касаначиликнинг ўрни	102

УДК: 330.190.2+331.7+331.94

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАШТАЧИЛИК
ВА КАСАНАЧИЛИКНИНГ ЎРНИРОЛЬ ИСКУССТВА ВЫШИВКИ И НАДОМНИЧЕСТВА В РАЗВИТИИ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕTHE ROLE OF THE ART OF EMBROIDERY AND HOMESHIP IN THE DEVELOPMENT OF
ENTREPRENEURSHIP IN INDEPENDENT UZBEKISTANРахматова Нилуфар Мустақимовна¹¹Рахматова Нилуфар Мустақимовна

– Навоий давлат педагогика институти, мустақил тадқиқотчи.

Аннотация

Мустақиллик йиллари касаначиликни ривожлантириш Ўзбекистон халқининг миллий тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниб ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳар ва қишлоқларда миллий ҳамда жаҳон тажрибаларини ўрганган ҳолда касаначиликни ривожлантириш, уни давом эттириш мақсадида соҳанинг қонуний асослари яратилди. Мақолада мустақиллик йиллари касаначиликка қаратилган эътибор тадқиқ қилинган.

Аннотация

В годы независимости особое внимание уделяется развитию домашнего труда с учетом национального исторического наследия, быта, традиций и менталитета народа Узбекистана. В целях развития и продолжения домашнего труда в городах и селах, по результатам изучения отечественного и мирового опыта, создана правовая база отрасли. В статье исследуется ориентация на домашний труд в годы независимости.

Annotation

During the years of independence, special attention was paid to the development of home-based work based on the national historical heritage, lifestyle, traditions and mentality of the people of Uzbekistan. In order to develop and continue home-based work in cities and villages, studying the national and world experience, the legal basis of the industry has been created. The article examines the focus on home-based work during the years of independence.

Таянч сўз ва иборалар: анъана, касаначилик, нақш безаклари, гиламдўзлик, бадий тўқимачилик, бадий хунармандчилик, мумтоз нақш, маҳсулот сифати, тўқима, трикотаж маҳсулотлари, атторлик, аҳоли бандлиги, даромад, барқарор ўсиш, кооперация, консорциум.

Ключевые слова и выражения: традиция, надомничество, орнамент, ковроткачество, художественное ткачество, художественные ремесла, классические узоры, качество продукции, текстиль, трикотажные изделия, галантерея, занятость населения, доход, устойчивый рост, кооперация, консорциум.

Key words and expressions: tradition, homeship, pattern ornaments, carpet weaving, artistic textiles, artistic handicrafts, classical patterns, product quality, textiles, knitwear, small wares shop, employment, income, sustainable growth, cooperation, consortium.

Касаначилик хунармандларнинг меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ўз уйида ишлаши, яшаш жойида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиши ҳисобланиб, мустақиллик йиллари бу соҳага алоҳида эътибор қаратилганлиги сир эмас. Бугунги кунда ривожланган давлатларда касаначилик кенг қўлланилмоқда.

Даромад келтирувчи меҳнат фаолияти сифатида касаначилик тарихига эътибор берилса, XVIII-XIX асрлардаги sanoat инқилоблари даврида замонавий тус ола бошлаган. Касаначиликнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги куйидагиларда ўз аксини топган:

биринчидан, корхоналарда қўл меҳнати билан шуғулланувчи ходимлар банд қилган ишлаб чиқариш майдонлари бўшайди; иккинчидан, ижтимоий муҳофазани талаб қилмаган арзон ишчи кучидан фойдаланилади; учинчидан, маҳсулот сифати ва уни стандартлаштиришга юқори талаб муайян тартибга қаратилади.

XX асрда Ғарб мамлакатларида, айниқса, Жануби-шарқий Осиёнинг жадал ривожланаётган мамлакатларида («Осиё йўлбарслари») уй меҳнати янги сифатда юзага чикди – йирик корхоналар ва индивидуал ишлаб чиқарувчилар орасида пудрат ва меҳнат шартномаларига

ТАРИХ

асосланган кооперация шаклланди[1]. Масалан, «Нортел» корпорацияси ходимларининг деярли 20% ёки 4 минг нафари касаначилик асносида ишлаган. Меҳнатни ташкил этишнинг бу кўриниши фақат бир йил ичида корпорациядаги унумдорликни 24 фоизга ошириш имконини берди, касаначилар меҳнатидан фойдаланишдан келган соф тежаш миқдори ўртача ҳар бир касаначига 10.000 доллардан ортиқни ташкил этган. IBM корпорациясининг касаначиликни қўллаши туфайли ижарадаги ишлаб чиқариш майдонлари ҳисобигагина йилига 400 минг долларни тежаган. Бундай ҳолларни Германиянинг «Саламандер» концерни мисолида ҳам кўриш мумкин бўлади[2].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 5 январдаги Фармони, унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Касаначилик тўғрисидаги Низом» нинг ишлаб чиқилиши эса мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим қадам бўлди[3]. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, “биз катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бердик. Натижада 60 минг оила кўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларни, айтиш мумкинки, дунёқараши ўзгарди. Улар энди ўз оиласи, болалари олдида бошини кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшади[4],” дея алоҳида таъкидлаган эди.

Гарчи касаначилик фаолияти мамлакатимиз тараққиётида янги йўналиш бўлмаса-да, мустақиллик йилларига келиб унинг фаолияти қайта тикланди, маданийлашган ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган соҳага айланди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари, оила ҳўжалиги тузилиши, ишлаб чиқариш воситалари касаначилик ривожини таъминлайди. Ҳунармандчилик, айниқса, игна иши талаб этувчи тикувчилик, каштачилик, мебелсозлик

ва бошқалар учун касаначилик қулай ҳисобланади. Касаначилик соҳаси ривожига эътибор қаратилса, унда шу ҳолат намоеён бўладики, ўзбек халқи ҳунармандчиликнинг турли кўринишлари билан қадимдан шуғулланиб келган. Шаҳар ва қишлоқлардаги маҳаллаларда оилавий тартибда кўнчилик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, тўқувчилик ва бошқалар билан шуғулланганлар. Агар катта шаҳарларда баҳор-кузнинг бошларида одатда деҳқончилик билан машғул бўлишса, куз-қиш фаслида кўп ҳолда ҳунармандчилик билан банд бўлишар эди. Гарчи собиқ совет даврида уй меҳнатига аввал сиёсий-мафкуравий сабабларга кўра қаршилик билдирилган бўлса, кейинчалик «ўз кучи билан меҳнат қиляпти», деган тушунча асносида маҳаллий ишлаб чиқаришга кескин тўсқинлик қилинмади, лекин уни ривожлантиришга ҳам етарли эътибор қаратилмади. Бироқ мустақиллик йиллари замонавий бозор шароити ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар таннархини камайтиришнинг муқобил йўллари танлашни тақозо этди. 2006 йилда иқтисодиётда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож одамларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта ишчи ўрни яратилди. Айниқса, 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперация негизда касаначилик фаол ривожланиб, унинг натижасида 60 мингтадан зиёд иш ўрни ташкил этилди[5]. Масалан, 170 мингдан ортиқ киши истиқомат қиладиган Қашқадарё вилояти Касби туманида 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 5462 та янги иш ўрни яратилган бўлса, шу йили касаначилик билан шуғулланиб келаётган 80 га яқин аёлга меҳнат дафтарчаси очилди. Касаначилик фаолияти йўлга қўйилган корхоналарга Биринчи Президент томонидан тегишли фармон асосида шароитлар яратиб берилди[6].

Кейинги йилларда эса соҳага эътибор янада кучайган ҳолда, касаначиликни замон

зайли ишни давр талабига мувофиқ равишда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 май ПҚ-2996-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 ноябрь 919-сонли Қарори ҳам муҳим аҳамият касб этди[7]. Бу қарорга кўра касаначилик турларига тўқима ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, галантерея (атторлик) маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қандолат ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш, электротехника маҳсулотларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, боғдорчилик ва ободонлаштириш ишлари киритилди[8]. Ушбу ҳужжатда касаначиликни янада ривожлантириш ҳамда замонавий машина, асбоб-ускуна, хом ашё ва материаллар харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш орқали оила бюджети даромадини кўпайтириш долзарб масалалардан бири эканлиги белгиланган.

2017 йилда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан илк бора «Жамиятнинг ривожланишида хотин-қизлар тадбиркорлигининг ўрни» шиори остида Республика тадбиркор аёллар форуми ўтказилди. Ундан мақсад ҳам аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлашни йўлга қўйиш орқали республикада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболларини белгилашдан иборат бўлди. Форумда «Қишлоқ ҳудудларида аёллар бандлигини таъминлашдаги имконият ва муаммолар: халқаро тажриба, уни Ўзбекистонда қўллаш усуллари» мавзусидаги масала ҳам махсус муҳокама этилди[9]. Бу ерда бевосита касаначиликни ривожлантириш борасидаги масалалар ҳам муҳокама этилди. Бу орада республикада жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилиб, хотин-қизлар ҳаётидаги муаммолар

ўрганилди. Жами 5 миллиондан ортиқ хонадонга кириб борилиб, оилалар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, 36 минг нафар фуқаро иш билан таъминланди, 14,5 минг нафар кишига имтиёзли кредит олишда ёрдам берилди. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Парламентга қилган Мурожаатномасида ҳам: «Жойларда аёлларнинг аҳволи жуда оғир, оддий аёлнинг дардини ҳеч ким билолмаяпти, хотин-қизлар раиси мажлисларда ўтиравермасдан жавобгарликни бўйнига олса»[10], деб кўмита фаолиятини танқидий баҳолаб, «Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамокда»[11], дея алоҳида таъкидлади.

Айни пайтда Ўзбекистон аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал қилишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперацияни кенгайтиришга устувор даражада аҳамият қаратилди. Шу боис, турмуш даражасини ошириш масалаларида касаначилик меҳнатининг роли алоҳида аҳамият касб этди[12].

2017 йилда биргина Навоий вилоятидаги 25 та корхонада 315 нафар иш ўрни яратилиб, тегишли тартибда меҳнат шартномаси тузилди. Жумладан, вилоятда фаолият юритган “Янги ҳаёт” савдо маркази 23 та, “Электрокимёзавод” қўшма корхонаси 150 та, “Навойдонмаҳсулотлари” АЖ 37 та [13], шунингдек, яна бир қатор корхоналарда касаначилик иш ўринларининг яратилганлиги ҳам бевосита касаначиликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлганлигидан далолатдир. Айни пайтда касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, вилоят бандлик, иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бошқармалари ҳамкорликда касаначилик иш ўринларининг яратилиши ва фуқароларнинг бандлигини таъминлаш масаласи бўйича алоҳида мониторинг ҳам олиб борди. 2017 йил июль ойига қадар вилоятнинг Хатирчи, Навбаҳор, Қизилтепа туманлари ва Навоий шаҳрида касаначилик фаолиятини олиб бораётган ташкилотларга амалий ёрдам

ТАРИХ

кўрсатилиб, касаначиларга муносиб иш шaroитини яратиб бериш, турли касб касалликларидан ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини амалиётга жорий этиш борасида қилинган ҳаракатлар ўз самарасини берди.

Сирдарё вилоятида ҳам бу борада муҳим тадбирлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятда меҳнат қилиш имконияти чекланганлар иқтисодий имкониятларини яхшилашлари борасида муҳим аҳамият касб этди. Вилоятда 2017 йилда касаначиликнинг барча шакллари йўлга қўйиш билан 434 та иш ўрни яратилди.

Улардан 81 таси имконияти чекланганларга аталган бўлиб, улар ҳам касаначилик билан машғул бўлдилар[14].

Бу борада барпо этилган «Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича консорциум»нинг ташкил қилиниши, солиқларнинг пасайтирилиши, касаначилик билан шуғулланиш вилоятларда ҳам ривож топиб кетди. Ҳозирда вилоятларда турли ипак маҳсулотлари, қандолат, тўқимачилик, кўн-галантерея ва бошқа соҳаларда, айниқса, касаначилик билан машғул бўлган аҳолининг салмоғи ошиб борди.

Адабиётлар:

1. Ҳасанов Р. Оила, хонадон ва уй хўжалигининг назарий талқини // Иқтисодиёт ва таълим. -№1. 2015.
2. Халқ сўзи. –2006 йил, 6 январь.
3. Каримов И.А. Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шaroити яратиш – асосий вазифамиздир. 2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. 2007 йил 12 февраль // Халқ сўзи. 2007 йил 13 февраль.
4. Узоқов Ю. Касаначилик, уй меҳнати // Ўзбекистон овози. –2013 йил, 19 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шaroитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такмомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // lexUZ.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шaroитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 май, ПҚ-2996-сонли Қарори // LexUZ
7. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг интернет сайти. Аёллар тадбиркорлиги: мақсад, манфаат, натижа 11.07.2017.
8. Халқ сўзи // 2020, январь
9. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
10. Ҳасанов Р. Ўзбекистонда касаначиликнинг иқтисодий-ижтимоий зарурати // Бизнес эксперт –2018 йил, №9(129).
11. <https://kasaba.uz/kasanachilar-etiborda/>. Мурожаат қилинган сана 2021 йил 10 апрель.
12. <https://uza.uz/uz/posts/kasanachilik-am-ulay-am-samarali-27-09-2017>. Мурожаат қилинган сана –2017 йил 25 октябрь.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)